

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг  
2022 йил “ 29 ” апрелдаги 16-сон  
буйруғига 11-илова

**Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, унинг  
худудий бўлинмалари ходимлари ҳамда маҳаллалардаги хотин-қизлар  
фаоллари фаолиятида контрагентларни текширишга оид**

**ЙЎРИҚНОМА**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Йўриқнома Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, унинг таркибий ва худудий бўлинмаларига ҳамда маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари фаолиятида (кейинги ўринларда – Қўмита тизими) харид қилиш тартиб-таомиллари, шу жумладан тўғридан-тўғри шартнома тузишда иштирокчиларни мажбурий текширишнинг (кейинги ўринларда Харид жараёнлари иштирокчиларини текшириш) асосий талаблари, тартиби ва усулларини белгилайди.

2. Харид жараёнлари иштирокчиларини текширишнинг мақсадлари қўйидагилардан иборат:

Қўмита тизими ходимларининг манфаатлар тўқнашуви ва шахсий манфаатдорлиги билан боғлик бўлган коррупциявий хатарларни камайтириш;

инсофсиз ижроси билан шартнома тузиш хатарини камайтириш;  
харид жараёни иштирокчисининг шартномада белгиланган товарларни етказиб бериш ёки хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш имкониятини баҳолаш;

Контрагент билан шартнома тузиш тўғрисидаги қарорни тегишли даражада эҳтиёткорлик билан қабул қилиш.

4. Харид жараёнлари иштирокчиларини текшириш хариднинг барча иштирокчилари, шу жумладан улар ўртасидаги алоқа мавжудлиги эҳтимоли нуқтаи-назаридан ҳам амалга оширилади.

5. Текширув ушбу Йўриқноманинг 7 ва 8-бандида кўрсатилганлардан ташқари барча янги контрагентларга нисбатан, шунингдек амалдаги контрагентларга нисбатан камида бир йилда бир марта амалга оширилади.

6. Ушбу Йўриқноманинг 7 ва 8-бандида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, контрагент текшируви натижалари бўйича хulosани олмасдан туриб шартномани имзолаш ва (ёки) тўловларни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

7. Электрон дўкон ва бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион шаклида ўтказилган харидлар бўйича контрагентлар текширилмайди.

8. Шунингдек, текширув қўйидаги контрагентларга нисбатан амалга оширилмаслиги мумкин:

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси (кейинг ўринларда - Қўмита) билан ёки унинг таркибий ва худудий бўлинмалар ўзаро шартномавий муносабатга киришаётган бўлса;

коммунал ва бошқа шу каби хизматларни (*шу жумладан, электр таъминоти, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти, муҳандислик-техника таъминоти, сув таъминоти, сув чиқариши, оқава сувларни тозалаш, қаттиқ маший чиқиндиларни утилизация қилиши (кўмиши) тармоқларига уланиш*), шунингдек давлат томонидан тартибга солинадиган товарлар (ишларнинг, хизматларнинг) нархлар (тарифлар) бўйича етказиб берувчи ҳисобланган контрагентлар;

Ўзбекистон Республикасининг табиий монополиялари ҳисобланган контрагентлар.

**9. Ушбу Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилган:**

**ижрочи** – Қўмита тизимида тузилган харид комиссияси аъзолари;

**контрагент** – Қўмита тизимининг харид жараёнлари доирасида шартномавий муносабатларга киришишни режалаштираётган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

**контрагент/контрагентнинг бенефициар эгаси (якуний бенефициар)** - контрагентнинг хусусий эгаси бўлган ёки ушбу Контрагент учун мажбурий бўлган қўрсатмалар бериш, қабул қилинаётган қарорларга таъсир қўрсатиш ёки бошқача тарзда унинг ҳаракатларини бевосита ёки билвосита назорат қилиш ҳукуқи ёки имкониятига эга бўлган жисмоний шахс;

**коррупциявий ҳаракатлар** – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий ҳукуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

**манфаатлар тўқнашуви** – Қўмита тизими ходимининг шахсий манфаати (бевосита ёки билвосита) у томонидан хизмат вазифаларини тегишли тарзда бажаришига таъсир қўрсатаётган ёки қўрсатиши мумкин бўлган ва ходимнинг шахсий манфаати билан Қўмита тизими манфаатлари ўртасида зиддият юзага келаётган ёки келиши мумкин бўлган вазият;

**махфий ахборот** – бу олиниши, ишланиши, узатилиши ёки фойдаланиши ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки ахборот эгасининг ички хужжатларига мувофиқ чекланадиган ҳар қандай шаклдаги ахборот;

**ташаббускор** – Қўмита, унинг таркибий ва худудий бўлинмалари ҳамда маҳалладаги хотин-қизлар фаоллари;

**ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – Қўмита, унинг таркибий ва худудий бўлинмалари ҳамда маҳалладаги хотин-қизлар фаоллари, унинг яқин қариндоши ёки ходим билан боғланган шахслар томонидан ходимнинг

мансаб ёки хизмат вазифаларини тегишли тарзда бажаришига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган (*шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари*) пул маблағлари, моддий ва номоддий қадриятлар, бошқа мулк, фойда, имтиёз ва афзалликлар кўринишидаги шахсий фойда олиш.

**яқин қариндошлар** – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олингандар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллари.

## **II. Текширувни бошлаш тартиби, текширув учун талаб қилиб олинадиган хужжатлар ва ахборот манбалари**

10. Харид жараёни доирасида унинг иштирокчиларини текшириш харид комиссияси томонидан иштирокчилар берган таклифлар солинган конвертларни баҳолаш учун очилганидан кейин, бироқ харид қилиш тартиб-таомиллари якунлари бўйича ғолиб бўлган таклифнинг акцепти тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар амалга оширилади.

11. Харид жараёни доирасида қонунчилик ва Кўмита тизимининг ички хужжатлари томонидан ўрнатилган муддатларга риоя қилиниши устидан текширувни амалга ошириш учун маъсул – тегишли Харид комиссия раиси ёки шартнома ташаббускори ҳисобланади (агар харид тўғридан-тўғри шартнома бўйича амалга оширилаётган бўлса).

Бунда, ижрочи Харид комиссия раиси томонидан тайинланади.

12. Контрагентлар текшируви ижрочи томонидан хужжатлар ташаббускоридан ушбу Йўриқноманинг 16-бандида кўрсатилган хужжатлар олинган санадан 5 кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

13. Текширувни белгиланган муддатларда ўтказиш имкони бўлмаган тақдирда унинг давомийлиги Харид комиссияси раиси билан келишилган ҳолда 3 кундан ортиқ бўлмаган муддатга ёзма шаклда узайтирилиши мумкин.

14. Контрагентларнинг текширувни шошилинч тартибда ўтказиш зарурияти мавжуд бўлган ҳолларда, ташаббускор томонидан шошилинчлилик асосланган, текширувни ўтказишнинг зарур муддатлари кўрсатилган хизмат хати билан Харид комиссиясига мурожаат қиласи. Шошилинч текширув ўтказиш тўғрисидаги қарор Харид комиссияси қарори асосида йўл қўйилади.

15. Контрагентларни текшириш учун хужжатларни тўплаш ва тақдим қилиш учун Харид комиссияси раиси ёки ташаббускор (агар харид тўғридан-тўғри шартнома бўйича амалга оширилаётган бўлса) маъсул бўлади.

16. Контрагентни текшириш учун ижроига қуйидаги хужжатлар тақдим этилади:

контрагентнинг ўзи ушбу Йўриқномага 1-иловага мувофиқ шаклда тўлдирган якуний бенефициарлари тўғрисидаги маълумотнома;

контрагентдан олинган хужжатлар нусхаси (ушбу Йўриқномага 2-илова);

контрагентнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички хужжатлари (мавжуд бўлса) нусхаси (сиёсатлар, низомлар, хулқ-аҳлоқ қоидалари, коррупцияга қарши дастурлар ва б.).

17. Ушбу Йўриқноманинг 16-бандида кўрсатилган хужжатларни олиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ мажбурий ҳисобланади, коррупцияга қарши курашиш бўйича контрагентнинг ички хужжатлари ва якуний бенефециарлар тўғрисидаги маълумотнома бундан мустасно. Контрагентнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички хужжатлар ва якуний бенефициарлар тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишни рад этган тақдирда, ташаббускор бу ҳақда Контрагент устидан тақдим этилган хужжатлар асосида текширувни амалга оширадиган ижрочига хабар беради.

18. Контрагентдан олинган барча хужжатлар нотариал тарзда ёки контрагентнинг ваколатли вакили томонидан тегишли тарзда тасдиқланган бўлиши лозим. Тақдим этиладиган хужжатлар амал қилаётган бўлиши, давлат реестрлари хужжатлари эса текширув санасига қадар 30 (ўттиз) кундан ортиқ бўлмаган муддатда олинган бўлиши керак.

19. Контрагентни текшириш учун маълумотлар тўплаш ижрочи томонидан контрагент, унинг эгалари ва раҳбарлари, фаолияти тўғрисида яхлит ва холис фикрга эга бўлиш, шунингдек, ундан олинган хужжат ва маълумотларнинг ишончлилиги, шу жумладан, уларнинг ишончсизлиги бўйича белгилар йўқлигини (сохталашибориши аломатлари мавжуд эмаслигини) баҳолаш учун амалга оширилади.

Контрагентларни текшириш доирасида ижрочи қўйидагиларни таҳлил қиласди:

контрагент томонидан тақдим этилган ахборот ва хужжатлар. Ушбу Йўриқномага 2-иловада кўрсатилган хужжатларни контрагентдан олиш имкони бўлмаганда ёки олинган хужжат ёки ахборотларнинг ишончли эмаслиги (сохталашибориши) белгилари мавжуд бўлган ҳолларда ижрочи контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хulosада тегишли белги қўяди;

очик манбалардан олинган маълумотлар. Ижрочи 3-иловада кўрсатилган ахборот манбаларидан фойдаланиши мумкин. Ушбу рўйхат тавсиявий бўлиб, зарурият туғилгандан ижрочи бошқа манбалардан фойдаланиши мумкин;

тегишли ташкилотларга расмий сўровнома юбориш йўли билан олинган хужжатлар;

Қўмита тизимининг ички ресурслари, шу жумладан, контрагентлар текширувлари реестри, ходимларнинг манфаатлар тўқнашуви реестри ва бошқалар.

20. Контрагентни текшириш учун ишлатилган манбалар қонунийлик ва холислик талабларига жавоб бериши керак.

21. Зарурият бўлганда ижрочи текширув давомида контрагентларни жойига чиқиб, ўрганиши мумкин. Бу каби текширувни ўтказиш учун ижрочи ўз бўлинмаси раҳбари билан келишиши лозим.

Сайёр текширув давомида ташкилот раҳбари (ваколатли вакили) билан учрашув баённомаси тузилиб, унда контрагентдан олинган, дастлаб ижрочи томонидан асл нусхалари билан таққосланган хужжатларнинг тасдиқланган нусхалари санаб ўтилади. Олинган хужжатлар нусхаларининг ва (ёки) контрагентнинг ваколатли вакили томонидан тақдим этилган изоҳлар рўйхати текширилаётган контрагентнинг ваколатли вакили ва ижрочи томонидан имзоланган алоҳида рўйхат кўринишида расмийлаштирилиши ва учрашув баённомасига илова қилиниши керак.

### **III. Контрагентларни текшириш методологияси**

22. Контрагентларни текшириш қўйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

1) Контрагентнинг хуқуқий лаёқати, молиявий барқарорлиги, ишончлилиги ва у билан бўлган ўзаро муносабатлар тарихини текшириш, шу жумладан:

- а) шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, ходимлар ва бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;
- б) шартнома тузиш учун қонуний хуқуққа эгалик;
- в) солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
- г) контрагентларга нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
- д) инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;
- 2) контрагентнинг иш соҳасидаги обрў-эътибори;
- 3) манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслигини текшириш.

Кўрсатилган йўналишлар бўйича текширув ўтказиш мажбурий хисобланади.

Текширув йўналишлари рўйхати ҳар бир алоҳида ҳолатда ижрочининг харид комиссияси қарори билан келишилган талаби билан кенгайтирилиши мумкин. Бунда, текшириш йўналиши давлат харидларини тартибга солувчи қонунчиликка зид бўлиши ва (ёки) рақобат тамойилларини чеклашга олиб келишига йўл қўйилмаслиги лозим.

23. Ижрочи фойдаланиш мумкин бўлган ахборот манбаларининг таҳлилини амалга оширади ва 25-27-бандларда кўрсатилган ҳар бир йўналишга нисбатан қўйидаги контрагентнинг текширув натижалари тўғрисида хulosада кўрсатилган маълумотларнинг бор-йўқлигини белгилайди.

24. Ушбу Йўриқнома амалга киритилгунга қадар шартномавий муносабатларда бўлган Кўмита тизимининг амалдаги контрагентни текширишда ижрочи бундан аввалги шартномавий муносабатларнинг давомийлиги, ушбу контрагент билан ўзаро ҳаракат тажрибаси ва унинг Кўмита тизими билан аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни бажаришдаги ҳалоллигини текширади.

Янги контрагентни текширишда ижрочи контрагент томонидан шу каби шартномаларнинг бажарилганлиги тўғрисидаги ахборот ва бошқа

буортмачилар (мижозлар) берган тавсияномаларни таҳлил қиласи ҳамда имкон даражасида ушбу контрагентнинг бошқа мижозлари олдиаги шартномавий мажбуриятларини бажаришдаги ҳалоллигини текширади.

25. Контрагентнинг хуқуқий лаёқатини, молиявий барқарорлиги, ишончлилиги ва у билан бўлган муносабатлар тарихини текшириш доирасида ижрочи қуйидаги маълумотларни аниқлайди:

тадбиркорлик субъектларининг Ягона реестрида контрагентнинг борлиги;

контрагентнинг юридик ва амалдаги манзили;

контрагент раҳбари ва таъсисчиларининг Ф.И.Ш.;

контрагент асосий фаолият турининг харид предметига мувофиқлиги;

контрагент фаолиятини тугатиш, қайта ташкил этиш, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

контрагентда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ равиша лицензияланиши керак бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун зарур лицензияларнинг (рухсатномалар) мавжудлиги;

контрагентда очиқ ахборот, тақдим этилган ҳужжатлар ва бухгалтерия ҳисобдорлигига мувофиқ, асосий маблағлар, хусусий капитал, ходимлар ва бошқа техник, молиявий, моддий ва Қўмита, унинг таркибий ва худудий бўлинмалари олдиаги мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

контрагент номидан Қўмита, унинг таркибий ва худудий бўлинмалари билан шартномавий муносабатларга киришаётган шахсда тегишли ваколатнинг мавжудлиги;

контрагент маҳсус ахборот порталида инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилмаганлиги;

контрагентнинг сўнгги икки йил ичида Қўмита, унинг таркибий ва худудий бўлинмалари олдиаги шартномавий мажбуриятларнинг ўз вақтида бажармаганлиги ёки уларнинг лозим даражада бажармаганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд эмаслиги;

контрагентда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги.

26. Контрагентнинг иш соҳасидаги обрў-эътиборини текшириш доирасида ижрочи қуйидаги маълумотларни аниқлайди:

очиқ ахборот манбаларида контрагент, унинг мулкий эгалари, шу жумладан бенефициар мулкий эгалари ёки раҳбарларнинг фирибгарлик, сохталашибириш ва коррупция билан боғлиқ жиноятлар ёки бошқа ноқонуний фаолиятда иштирок этганлиги тўғрисидаги ахборот мавжуд эмаслиги;

контрагент раҳбарига нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки бошқа давлат органларида қораловчи маълумот ёки материалларнинг мавжуд эмаслиги;

контрагент, унинг мулкий эгалари ёки бош директор (бошқарув органлари аъзолари) ва бошқа раҳбарларнинг жиноий тузилмалар, экстремистик ва террористик ташкилотлар билан ўзаро алоқаси мавжуд эмаслиги;

контрагентнинг ишбилармонлик аҳлоқий меъёrlари ва коррупцияга қарши кураш масалаларини тартиба солувчи тартиб-таомил ва сиёsatларнинг мавжудлиги;

контрагентнинг мулк эгалари ёки раҳбарларига (бошқарув органлари аъзолари) нисбатан унинг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлик бўлган жиноят ишлари мавжуд эмаслиги;

контрагент, унинг мулк эгалари ёки бошқа раҳбарлари тўғрисида бошқа салбий маълумотлар мавжуд эмаслиги.

27. Ўзбекистон Республикаси “Давлат ҳаридлари тўғрисида”ги Конунининг 14-моддасига мувофиқ, Давлат буюртмачисининг, давлат ҳаридлари электрон тизими операторининг, ихтисослашган ташкилотнинг, эксперт ташкилотининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари, шунингдек харид комиссиясининг аъзолари ҳамда эксперtlар харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда ўз иштирокидаги давлат ҳаридларига доир битимнинг натижаси бўлган ҳар қандай шахсий фойдани бевосита ёки билвосита олиш ҳуқуқига эга эмас.

Шунга мувофиқ, ижрочи ушбу Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклда тўлдирилган контрагентнинг якуний бенефициарлари тўғрисидаги маълумотномада акс эттирилган маълумотларнинг тадибиркорлик субъектлари Ягона давлат реестри маълумотларига мувофиқлигини текширади. Ушбу текширув Контрагентнинг раҳбарлари ва таъсисчиларига нисбатан ҳам амалга оширилади. Шунингдек, ижрочи манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки йўқлигини қўйидаги мезонлар бўйича текширади:

**контрагентнинг ягона ёки мулкий эгаларидан бири, шу жумладан, бенефициар мулкий эгаси** – бу Харид жараёнининг бошқа иштирокчиси раҳбари ёки унинг яқин қариндоши эмаслиги;

контрагентни танлашда иштирок этувчи ташабbusкор ёки Қўмита тизимининг бошқа ходимлари ёки уларнинг яқин қариндошлари унинг устав капиталидаги оммавий айланмада бўлмаган акциялари ёки ҳиссаларига, ёки контрагентнинг Республика фонд биржасида ёки яна бошқа бир фонд биржасида оммавий айланмада бўлган 5% дан ортиқ қимматли қоғозларига эгалик қилмаслиги;

контрагентни танлашда иштирок этувчи ташабbusкор ёки Қўмита тизимининг бошқа ходимлари ёки уларнинг яқин қариндошлари контрагент бошқарув кенгashi таркибиغا кирмаслиги ёки унинг фаолияти натижаларидан шахсий манфаатдорликка (шу жумладан уларнинг инвестицияларини амалга оширишда) эга бўлмаслиги;

контрагентни танлашда иштирок этувчи ташабbusкор ёки Қўмита тизимининг бошқа ходимлари ёки уларнинг яқин қариндошлари контрагентда раҳбарлик лавозими ёки қарорлар қабул қилиш билан боғлик лавозимларда ишламаслиги;

контрагент ва Харид комиссияси аъзолари ўртасида каффилланганлик алоқаларининг мавжуд эмаслиги;

манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган бошқа шароитлар.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини текширишни ижрочи контрагентлар томонидан тақдим этилган маълумотларни манфаатлар тўқнашувини декларациялаш доирасида Кўмита, унинг таркибий ва худудий бўлинмалари томонидан акс эттирилган ва тегишли реестрга киритилган маълумотлар билан таққослаш орқали амалга оширади.

## **V. Текширув натижаларини расмийлаштириш ва ҳужжатлаштириш**

28. Ўтказилган текширув натижалари бўйича ижрочи ушбу Йўриқномага 4-иловада келтирилган шаклда хulosса тузади. Контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хulosага ижрочи ўтказилган таҳлил ва таҳлилни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни илова қиласди.

29. Реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви аломатлари аниқланган тақдирда ижрочи уни тартибга солиш зарурияти тўғрисида чораларни кўриш бўйича Харид комиссияси раиси ёки ташаббускорга таклиф киритади. Агар манфаатлар тўқнашуви аломатлари Кўмита тизими ходимларида аниқланган бўлса, бу ҳақда Комплаенс назорати бош мутахассиси (кейинги ўринларда – Бош мутахассис) хабардор қиласди. Манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслиги бўйича ўтказилган таҳлил якунлари ва уни тартибга солиш бўйича чоралар ҳам контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хulosада акс эттирилади.

30. Хатар индикаторлари аниқланганда ижрочи контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хulosада аниқланган хатарларни камайтиришга йўналтирилган контрагент билан ишлаш бўйича тавсияларни таклиф қиласди ва акс эттиради (масалан, шартномага аванс тўловларга тақиқни киритиш ва бошқа).

31. Ижрочи контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хulosани Харид комиссияси раиси ёки ташаббускорга тақдим этади. Харид комиссияси раиси ёки ташаббускор олинган хulosани харид иштирокчисини танлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш доирасида ҳисобга олади, бу ҳақда харид комиссияси ёки контрагент билан тўғридан-тўғри шартнома тузишдаги баённомада тегишли ёзув киритилади.

32. Контрагент ва Кўмита тизими ходими ўртасида реал манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган тақдирда, у Харид жараёнини давом эттиришдан олдин Кўмита тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички ҳужжатга асосан тартибга солиниши керак. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш имкони бўлмаган тақдирда контрагент харид жараёнида иштирок этишдан четлатилиши лозим.

33. Агар тўғридан-тўғри ҳаридлар доирасида контрагентни текшириш натижаларига кўра, коррупциявий хавф-хатарнинг мавжудлигини ёки коррупцияга қарши қурашиш тизимининг йўқлигини қўрсатувчи маълумотлар аниқланса, у ҳолда контрагент билан шартнома тузиш эҳтимоли ҳақидаги қарор Раис томонидан қабул қилинади.

34. Контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хulosса мажбурий тартибда харид қилиш жараёнлари натижалари тўғрисидаги қарор қабул

қилиш, шартнома бўйича келишиш ва тўловларни амалга ошириш учун талаб этилувчи ҳужжатлар пакетига қўшиб қўйилади.

35. Текширув натижалари тўғрисидаги хulosса чиққанидан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай Бosh мутахассис бу ҳақидаги маълумотни ушбу йўриқномага 5-иловага мувофиқ шаклда Контрагентларни текшириш реестрига киритади.

36. Контрагентларни текшириш реестри ва контрагентларни текшириш натижалари, шунингдек, текширув учун ариза, контрагентни текшириш натижалари тўғрисидаги хulosса, контрагентлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда ижрочи томонидан тегишли манбалардан олинган маълумотлар контрагент билан шартнома муносабатлари тўхтатилган кундан бошлаб камида 3 (уч) йил Бosh мутахассисда сақланади.

37. Контрагентларни текшириш реестри ва контрагентларни текшириш натижалари, шунингдек текширув учун ариза, контрагентни текшириш натижалари тўғрисидаги хulosса, контрагентлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда ижрочи томонидан тегишли манбалардан олинган маълумотлар конфеденциал бўлиб, Қўмита тизими ходимларига ва хизмат вазифалари ва ваколатлари бундай маълумотлардан фойдаланишни ўз ичига олмаган бошқа учинчи шахсларга ошкор қилинмайди.

## **VI. Якуний қоида**

38. Контрагентларни текшириш жараёни доимий равища Boш мутахассис томонидан мониторинг қилиб борилади.

39. Давлат харидлари ва коррупцияга қарши қонунчиликнинг ушбу йўриқномага таъсир қиласидиган нормалари ўзгарганда, ушбу Йўриқнома қайта кўриб чиқилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, унинг худудий бўлинмалари ходимлари ҳамда маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари фаолиятида контрагентларни текширишга оид йўриқномага 1-илова

**Якуний бенефициарлар тўғрисида \_\_\_\_\_  
(ҳаридлар иштирокчиси) \***

**МАЪЛУМОТНОМА**

№	ФИШ	Туғилган санаси	Шахснинг роли (раҳбар/таъсисчи/ якуний бенефициар	Шахс раҳбар/таъсисчи/ якуний бенефициар бўлган давр	Иштирок этиш улуши (фақат 5 фоиздан ортиқ улушга эга таъсисчилар учун), фоизда
1					
2					
3					
4					
5					

\*сўнгги икки йил учун тўлдирилади

**Ваколатли шахснинг**

**Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_**

**Ҳарид иштирокчисидаги ваколатли шахснинг  
лавозими \_\_\_\_\_**

**Маълумотнома тузилган  
сана \_\_\_\_\_**

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, унинг худудий бўлинмалари ходимлари ҳамда маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари фаолиятида контрагентларни текширишга оид йўриқномага 2-илова

**Контрагентдан текшириш учун сўраладиган хужжатлар  
Ўзбекистон Республикасида юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган  
контрагентлардан талаб қилинадиган хужжатлар:**

т/р	Хужжат номи	Юридик шахс (ЮШ)/Якка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ)	Янги контрагент	Жорий контрагент
<b>1</b>	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувохноманинг нусхаси	ЮШ/ЯТТ	Мажбурий	н/п
<b>2</b>	Солик ҳисобига кўйиш, шу жумладан СТИР тўғрисида маълумотлар	ЮШ/ЯТТ	Мажбурий	Мажбурий
<b>3</b>	Юридик шахсларнинг ягона Давлат реестрига киритиш тўғрисида маълумот	ЮШ/ЯТТ	Мажбурий	Мажбурий
<b>4</b>	Устав ва бошқа таъсис ҳужжатларининг нусхаси	ЮШ	Мажбурий	Ўзгариш бўлганда сўраб олиш
<b>5</b>	Паспорт нусхаси	ЯТТ	Мажбурий	Ўзгариш бўлганда сўраб олиш
<b>6</b>	Ишончнома	ЮШ/ЯТТ	Мажбурий	Мажбурий
<b>7</b>	Контрагент эвалиги тузилмаси, бунга бенефициар мулкий эгаларни ҳам ҳисобга олган холда барча мулк эгалари киритилади	ЮШ	Мажбурий	Ўзгариш бўлганда сўраб олиш
<b>8</b>	Сўнгги ҳисобот йили учун бухгалтерия ҳисоботи ёки сўнгги ҳисобот йили учун аудиторлик хulosаси	ЮШ/ЯТТ	Мажбурий	Мажбурий
<b>9</b>	Кўрсатилган ишлар/хизматларни бажариш учун малакали кадрларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумот (хат ва / ёки тасдиқловчи ҳужжатлар шаклида тақдим этилиши мумкин)	ЮШ	Мажбурий	Ўзгариш бўлганда сўраб олиш
<b>10</b>	Мувофиқлик лицензиялари ва сертификатлари	ЮШ / ЯТТ	Сотиб олинган товарлар/ишлар/хизматлар турига қараб мажбурий	Сотиб олинган товарлар/ишлар/хизматлар турига қараб мажбурий